

Х.Ш.ИЛХОМОВ

“ЭХМНИ БИОТЕХНОЛОГИЯГА ТАТБИҚИ” ФАНИДАН  
ХИМИК ВА БИОТЕХНОЛОГИК  
Ж АРАЁН МАСАЛАЛАРИНИ ЭХМ ДА ХИСОБЛАШ УЧУН  
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА ТИББИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ИДОРАСИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
КАДРЛАР, ФАН ВА ЎҚУВ  
ЮРТЛАРИ ИЛМИЙ БОШҚАР-  
МАСИ БОШЛИҒИ

\_\_\_\_\_Атаханов Ш.Э.

\_\_\_\_\_ 2006 йил

“ЭХМни биотехнологияга татбиқи” фанидан

Химик ва биотехнологик жароён масалаларини ЭХМ да

хисоблаш учун

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

ТОШКЕНТ 2006

Муаллиф: Тошкент фармацевтика институти «Физика,  
математика ва ахборот технологиялари» кафедраси  
кактга ўқитувчиси, техника фанлари номзоди  
Илхомов Х.Ш.

Таъқризчилар: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат  
институти, «Информатика» кафедраси  
доценти М.АТАМИРЗАЕВ.

Тошкент Фармацевтика институти  
«Биотехнология» кафедраси мудири ф.ф.д.  
проф., Х.М.КОМИЛОВ.

Тошкент Фармацевтика институтининг илмий кенгашида  
тасдиқланган. Баённома №            июн 2006 йил.

### Кириш.

Ишлаб чиқарилаётган махсулотни сифатли, таннархи арзон, рақобатбардош бўлиши бозор иқтисодининг асосий талаблардан биридир. Дори ишлаб чиқариш саноатида эса бу талаблар билан биргаликда уларнинг таъсирчанлиги ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай табиий фанда бўлгандаги каби, дори ишлаб чиқариш жараёнида ҳам янгилик очилиши қўйидаги босқичлардан ўтади: ўрганилаётган ҳодиса жуда кўп марта ҳар хил шароитда тажрибаларда қайтарилди. Кузатиш натижалари ва тажриба шароити жадвал ва график кўринишида ёзилади. Бунда ЭҲМни татбиқи ва тажрибани автоматлашуви изланувчини маълумотларни жамлаш жараёнидан озод қилиши мумкин. Изланувчига олинган сонлар тўпламини таҳлил қилиш ва иккинчи даражалилардан асосийларини ажратиш қолади. Бу ерда ўлчаш натижаларини математика ёрдамисиз ишлаб чиқиб бўлмайди. Ҳар гал тажриба ўтказиш жуда қийин ва қиммат бўлиши мумкин. Агар излаувчи ўрганилаётган масалага математик модел туза олса, яъни унга математик кўриниш берилса, у буни математика усуллари орқали ўрганиши мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, моделни тўғри танлаш (тузиш) – муаммони ярмидан кўпини ҳал қилади. Бу босқичнинг қийинлиги шундан иборатки, у математика ва бошқа махсус илмларнинг қўшилишини тақозо этади. Математик модел қурилгандан кейин, тажрибани шу моделда, ЭҲМ ёрдамида қайтариш мумкин ёки таҳлил қилиниши мумкин, бу эса камчиқим ва анча енгилдир.

Шунинг учун табиий билишда математика усуллари ва изланиш йўллари, компьютерда моделлаштириш катта роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда физика, кимё, биология, фармацевтика ва бошқа фанлар ўз муаммоларини ечишда математик моделлаштириш усулларини қўллай бошлади. Кимёда яхши қурилган модел мисолида кинетик нотурфун тизимларни таҳлил қилиш, биологияда эса биоценоз ҳаракатини ўрганадиган Вольтер моделларини мисол қилиб келтириш мумкин. Дори тайёрлаш жараёнида ҳам моделлаштиришнинг турли усулларидан фойдаланиш мумкин. Ҳозирги давр шак-шубҳасиз, «Информация» билан ва уни автоматик равишда қайта ишлаш имконини берувчи информатсион ва компьютер технологияларининг жадал суратлар билан ривожланиши билан характерланади. Кўпгина сохалар ўзларининг изланишларида компьютерни кенг қўллашади. Бу масалаларни самарали ечиш учун компьютерда ишлашни билиш керак. Шу мақсадда биотехнология талабалари учун ташкиллаштирилган “ЭҲМ ни биотехнологияга

татбиқи” фанида баъзи ҳисоблаш усуллари, жараённинг математик моделини қуриш ва уларни Паскал алгоритмик тилда ЭХМ да ҳисоблаш берилади.

Кўрсатмаа қуйидаги бўлимлардан иборат: 1. Масалани ечиш босқичлари; 2. Функциялар қийматларини ҳисоблашга доир масалалар; 3. Тенгламаларни ечиш; 4. Аниқ интегралларни ҳисоблаш; 5. Тажриба натижаларини математик ишлаб чиқиш; 6. Дифференциал тенгламалар.

Ҳар бўлимда бир неча типик масалаларни ечиш блок-схемаси изоҳлари билан келтирилади, кейин эса Бейсик тилида ҳисоблаш дастури ёзилади. Ниҳоят, бўлим охирида кимё ва биология мутахассисликлари учун характерли бўлган ва кўп тарқалган масалалардан вариантлар келтирилган.

### 1. Масалани ЭХМда ечиш босқичлари

Аниқ фанларда, юқорида таъкидланганидек, масалани ўрганиш жуда кўп такрорланадиган тажрибалар асосида бўлади. Лекин бу тажрибаларни ҳамма вақт ҳам қилиб бўлмайди. Биринчидан, тажриблар ичида жуда қимматга тушадиган ва қийин бўлганлари ҳам бор. иккинчидан, мақсадга олиб келмайдиган (яъни ҳеч қандай янгилик бермайдиган) тажрибалар ҳам кўп бўлади. Тажрибаларни энгиллаштириш ва кераксизларини ажратиб, ташлаб юбориш учун ЭХМдан фойдаланилади. Бу эса масаланинг ечилишини осонлаштиради ва харажатларни камайтиради. Шунинг учун, масалаларни (кимёвий, биологик, фармацевтик ва х.к.) ўрганишда юқорида эслатилган математик моделлаштириш усулидан фойдаланиш катта роль ўйнайди. Бу усул ёрдамида масала қуйидаги босқичлар асосида ечилади.


1.1. Масала ечиш усулини сўзлар орқали тасвирлаш. Бу босқичда масала қайси миқдорларга нисбатан ўрганилиши тушунилади. Шу миқдорлар ичида масалани ечиш даврида қийматларини ўзгартирувчилари ва ўзгатирмайдиганлари аниқланади. Булар мос равишда ўзгарувчилар ёки омиллар дейилади. Ўзгарувчилар ўзгармасларга боғлиқ равишда ўрганилади. Табиийки, аниқ фан масалаларида (масалан кимё ва биологияда) қандайдир ҳаётий чегаралар бўлади. Мана шу чегаравий шартлар ўрганилади ва маълум бир кўринишда тасвирлаш тўғрисида фикр юритилади.

1.2. Математик моделлаштириш. Бу босқичда кимё-биология ёки бошқа соҳа мутахассислари математиклар билан бирга тажрибага мос келадиган математик белгилар билан ифодаланадиган кўриниш тузадилар. Бу кўриниш “модель” дейилади. Моделнинг математик тушунчалар билан ифодаланиши математик модель дейилади. Математик моделлар тўғрисидага фан математик моделлаштириш деб аталади.

1.3. Сонли ҳисоблаш усулини танлаш. Математиканинг сонли ҳисоблаш усуллари ЭҲМда яхши жорий қилинган. Бу усуллар жудаям хилма-хил масалаларни кетма – кет элементар арифметик ва матиқий амаллар кўринишига олиб келади. Кўп ҳолларда, бир масалани ечишда ҳар хил усуллар қўллаш мумкин. Бу босқичда қўйиладига масалани аниқ, тез ва кам хатолик билан ечиладиган усул танланади.

1.4. Алгоритмлаштириш. Бу дастурлашнинг энг асосий, биринчи босқичидир. Бу босқичда танланган сонли усул маълум бир алгоритм кўринишида ифодаланади. “Алгоритм” деб қўйилган масалани ечимга олиб келадиган аниқ ҳаракатларнинг кетма-кетлигига айтилади. Алгоритм маълум бир ўзгариш қонуни асосида бошланғич маълумотларни натижага ўтказиши. Бошланғич маълумотлар деганда, масалани ечиш учун керак бўлган маълумотлар тушунилади. Алгоритмларнинг турлари кўп; план, формула, жадвал, график, блок-схема ва ҳ.к. Биз алгоритмнинг блок-схема турини ишлатамиз. Блок-схема махсус олинган геометрик шаклларнинг-блокларнинг тўғри чизиқлар орқали бирлаштирилган схемасидан иборатдир. Блок-схемада махсус иш бажарадиган блокларни тўғри чизиқлар орқали бирлашмаси асосида масала ечилади.

Энди алгоритмларда ишлатиладиган блоклар (шакллар) нинг кўринишини келтирамиз:



Бу ерда қуйидаги блоклар келтирилган: а) бошланиш ва тамомланиш; б) киритиш; в) ҳисоблаш; г) тармоқланиш; д) такрорланиш (циклик); е) қисм программани чиқариш; ё) принтерга чиқариш; ж) боғловчи.

Ҳар бир блок бутун мусбат сонлар билан номерланиши (юқори чап қисмида) мумкин.

1.5. Дастурлаш (Программалаштириш). Бу босқичда маълум бир тил асосида блокларга мос келган операторлар тўғри чизиқлар боғланишида ёзилади.

Операторлар – алгоритмик тилнинг иш бажарувчи махсус сўзларидир. Маълум масаларни ечганда, аввал, хусусий ЭХМларнинг тезлиги ва хотира ҳажмини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. “Ямаха”да программа деганда ихтиёрий номерланган операторлар кетма-кетлиги тушунилади.

Бу қўулланмада программалар Бейсик тилида (“Ямаха”га мослаб) тузилади.

1.6. ЭХМда программани ўтказиш босқичси. Бу босқич программалашни тугатади. Бунда 5 – босқич асосида тузилган программанинг камчиликлари топилиб, ишлайдиган ҳолга олиб келинади. Программа тўғри ишлаётганини текшириш учун кўп учрайдиган масала унда ечилади. Бунинг учун программанинг ҳамма қисмларини ишлатадиган типик масала танланади. Олинган натижалар мутахассислар томонидан яхшилаб текширилади. Программанинг хато қисмлари ёки олдинги босқичлар хатолари тузатилади. Шу тариқа масалаларни тўғри ишлайдиган программалар ҳосил қилинади.

Шундай қилиб, масалани ечиш деганда, масалани қўйилиши, математик моделини, блок-схемасини ва программасини тузиш ва ниҳоят, ЭХМда ишлаб чиқариш тушунилади.

## 2. Функциялар қийматларини ҳисоблашга доир масалалар.

Кимё-биология масалаларида “функция” тушунчаси жуда кўп учрайди. Ихтиёрий функционал боғлиқликни қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин:

$$y=f(x_1, x_2, \dots, x_m,)$$


бу ерда  $x_1, x_2, \dots, x_m$  – шзгарувчилар(омиллар).

Қуйида кимёвий-биологик масалаларда функционал боғлиқликларга мисоллар ва функциялар қийматларини ҳисоблаш алгоритмларини тузиш усуллари келтиамиз.

2.1.–масала. Углеводород таркибидаги  $C_nH_m$  молекуляр массаси ҳисоблансин ва элементар таркиби фазаларда аниқлансин. Бу ерда  $n=1, m=4, C=12,011, H=1,0079$ .

Ечиш: Математик формуласи  $H_1 = (H * m) / Z * 100$  Углерод элементар таркиби  $H_1 = (H * m) / Z * 100$  формулалар билан аниқланади. Метан учун ҳисоблаймиз. Метаннинг кимёвий формуласи  $CH_4$ , атом массаси ва атомлар сони мос равишда углерод ва водород учун

### 1 – БЛОК-СХЕМА



1 – Блок – схемага изоҳ. 1 – блок масала ечилишининг бошланишини кўрсатади. 2 – блок ёрдамида керак бўлган бошланғич  $n, m, C, H$  – маълумотларни ЭХМ хотирасига киритамиз. Мос равишда 3 -, 4 – блоклар ёрдамида қўшилувчи  $C \cdot n$  ва  $H \cdot m$  ларни топиб,  $x$  ва  $y$  деб белгилаймиз. 5 – блокда углеводород массаси  $Z$  топилади, 6 -, 7 – блокларда эса углерод  $C_1$  ва водород  $H_1$  элементар таркиблари топилади. Масаланинг жавоблари  $Z, C_1, H_1$  ларни 8 – блок ёрдамида чиқариш қўрилмасига узатди. 9 – блок алгоритм тамом бўлганлигини билдиради.

Масаланинг ечиш программасини (1 - программа) Бейсик тилида, юқоридаги блок-схема ёрдамида тузамиз.

Программада қуйидаги белгилашлар қабул қилинган:

$n \rightarrow N, m \rightarrow M, x \rightarrow X, y \rightarrow Y, c_1 = C1, H_1 \rightarrow H1, z \rightarrow Z$

### 1 – Программа.

```

10  REM УГЛЕРОД МАССАСИ
20  INPUT N, M, C, H
30  X=C * N
40  Y=H * M
50  Z=X+Y
60  C1 = (X/Z) * 100
70  H1 = (Y/Z) * 100
80  PRINT "Z="; Z, "C1="; C1, "H1="; H1
90  END

```

2.2. масала. Ҳайвон оғирлигига нисбатан асосий кислород алмашинувининг жадал боғланиши ҳисоблансин. Математик формуласи:  $Z=f(x, A, \alpha) = A \cdot x^\alpha$ , бу ерда  $f(x, A, \alpha)$  – бирлик вақт ичида ҳайвоннинг ютадиган кислород миқдори.  $A, \alpha$  - берилган жонли мавжудотлар синфи учун ўзгармас ўлчамлар. Масалан: сут эмизувчилар ва қушлар учун  $\alpha=0,74$ ;  $A=70$ , балиқлар учун  $\alpha =0,8$ ;  $A=0,3$ .

2.3. – масала. Абсорбланган буғ миқдори  $A$  ҳисоблансин. У Ленгмюр тенгламаси орқали ёзилади.

$$A = f(p, k, b) = (k * b * p) / (1 + b * p),$$

бунда  $p$  – буғнинг турғун босими,  $b$  – абсорбланган коэффициент,  $k$  – ўзгармас.  $A$  ни  $k=3,4$ ;  $b=1.7$ ;  $p=1;2;3;4$  – қийматларда аниқлансин.

2.4 – масала. Хужайраларнинг бўлинишида микроорганизмлар миқдори ўсиши ҳисоблансин.

Математик формула  $Z = f(t, C, E) = Ce^{Et}$ , бунда C, E ўзгармаслар, t – вақт. Масалан, C=2, E=15, t=1;2;3;4

2.5 – масала. Компенсацион усул билан  $W = f(\alpha, R) = R(1000/\alpha - 1)$ , бунда R – маълум эталон қаршилик,  $\alpha$  - ўлчайдиган реахард кўрсаткичи, W ва  $\alpha$  - нинг 1,2; 1,3; 1,4; 1,5.

2.6 – масала. Қандайдир модданинг буғланиш иссиқлиги аниқлансин. У Клойпейрон-Клаузкус формуласи ёрдамида аниқланади.

$\lambda = f(R, P_1, P_2, T_1, T_2) = R \ln \frac{P_1}{P_2} T_1 T_2 / (T_2 - T_1)$ , бунда  $T_1, T_2$  – ҳарорат,  $P_1, P_2$  – босимлар, R – иссиқлик йиғувчи  $\lambda$  ни  $T_1=10, T_2=20, P_1=1, P_2=2, R=0,3$  учун ҳисобланг.

2.7 – масала. Освальд кўпайтириш қонуни бўйича кучсиз ишқорлар диссоциация ўзгармаси аниқланади.  $k = f(v, \alpha) = \alpha^2(V(1 - \alpha))$ , бу ерда  $\alpha$ -V кўпайтиришда ишқор диссоциацияси даражаси. K ни  $\alpha=0,5; V=11,5; 12,15; 13,25$  қийматларда ҳисобланг.

2.8 – масала. Даврий культивацияда бактерия микроорганизмларини нисбий ўсиш тезлигининг ўзгариши аниқлансин. Нисбий ўсиш тезлиги M – биомассанинг бирлик вақтда бирлик биомассага мос келган ўсиши. M оптик зичлик D – ўзгариши бўйича қуйидаги формула орқали ўзгаради:

$$M_i = (\ln D_i - \ln D_{i-1}) / (t_i - t_{i-1}), i = 2, 3, \dots, 22, D_1 = 0,08, t_1 = 30, D_i = D_1 + \sum_{k=1}^i \Delta D_k, t_i = 30' + i \cdot 15'', i = 2, 3, \dots, 22$$

Ҳар бир вақт momentiда D ва M лар ва  $M_{max} = \max_{i=1,22}(M_i)$  ўсиш тезлигининг энг катта қийматларини топинг. Оптик зичликнинг нисбий ўсиши  $\Delta D : 0,006; 0,004; 0,006; 0,008; 0,009; 0,01; 0,012; 0,016; 0,017; 0,018; 0,02; 0,017; 0,018; 0,011; 0,014; 0,014; 0,011; 0,007; 0,012; 0,009; 0,01$ .

2.9 – масала. t - вақт ичида ток I нинг ўтишида электродда ажралган модда массаси аниқланиши учун қуйидаги формула ёрдамида унинг (Фарадей қонуни) программаси тузилсин:

$$m = \frac{1}{F} \cdot \frac{A}{Z} \cdot I \cdot t,$$

бунда F=0,0496, k – Фарадей сони, A – атом оғирлиги, Z – валентлик.

2.10 – масала. Қуйидаги формула орқали хамир ачитқиси микроорганизмларидаги ҳужайралар сони аниқлансин.

$$N = \frac{S \cdot Q \cdot G}{P \cdot q \cdot g}$$

Бу ерда  $S$  – препарат юзаси,  $Q$  – урчитиш ҳажми,  $G$  – хамир ачитқисининг умумий оғирлиги,  $P$  – микроскопнинг кўриш майдон юзаси,  $q$  – бир томчи ҳажми,  $g$  – хамир ачитқиси бўлагининг миқдори,  $N$  – қиймати  $S=5 \text{ см}^2$ ;  $Q=7,2 \text{ м}^2$ ;  $G=4,5 \text{ г}$ ;  $P=0,5 \text{ см}^2$ ;  $q=0,15$ ;  $g=5$  қийматларда ҳисоблансин.

2.11 – масала. Ишқор бирикмалари бирлашмасининг водород ионлари концентрацияси ва уни шилимшиқ (шелочный) тузи қуйидаги формула билан  $H^+ = k \cdot V_1/V_2$  - аниқланади, бунда  $k$  – диссоциация ўзгармаси,  $V_1$  – ишқор ҳажми,  $V_2$  – туз ҳажми, водород кўрсаткичи рН ушбу  $pH = -\lg H^+$  формуладан аниқланид. рН ни ҳисоблайдиган программа тузилсин ва ҳисоб сирка ишқори учун  $V_1=13 \text{ мл}$ ,  $V_2=27 \text{ мл}$ ,  $k=1,86 \cdot 10^{-5}$  да ўтказилсин.

2.12 – масала. Бир турдаги буғ суюқлик хроматограммаларини ҳисоблаш программаси тузилсин. А ва В бирикманинг таҳлил қилинаётган компонентлари бўлсин.  $S$  – ички стандарт. Учта  $h_a$ ,  $h_b$ ,  $h_s$ ,  $l_a$ ,  $l_b$ ,  $l_s$ . Қайта ҳисоблаш коэффициентлари  $C_a$  ва  $C_b$  ва бўлак стандарти  $P$  берилган.

Ҳисоблансин

$$x_a = \frac{h_a \cdot h_b}{h_s \cdot l_s / p} \cdot C_a, \quad x_b = \frac{h_b \cdot l_b}{h_s \cdot l_s / p} \cdot C_b$$

Қуйидаги  $p=1$ ,  $C_a=1,2$ ,  $C_b=3,4$ ,  $h_a=5,5$ ,  $h_b=3,7$ ,  $h_s=4,3$ ,  $l_a=l_b=l_s=3$  қийматлар учун ҳисоблаш ўтказилсин.

2.13 – масала. Балиқнинг ўлчамлари:  $R$  – пўстининг радиуси,  $L$  – озиқлантириш давридаги балиқ узунлиги,  $r$  – марказдан йиллик ҳалқаларигача бўлган масофа. У ҳолда ихтиёрий яшаган давр учун балиқ узунлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$l_i = r_i \cdot L/R, \quad L=2,5 \text{ см}, R=4 \text{ см ва } r_i=3,3; 5,7; 2,4; 1,8 \text{ қийматларда ҳисоблансин.}$$

2.14 – масала. Балиқнинг семиз ёки ориқлик даражаси қуйидаги формула билан аниқланади.

$$a = (1/l^3) \cdot (W - W_1) \cdot 100,$$

бу ерда  $W$  – бадан массаси (г.),  $l$  – балиқ узунлиги (см)  $W=2567 \text{ г}$ ,  $W_1=356 \text{ г}$ ,  $l=25 \text{ см}$ .

2.15 – масала. Балиқ овлаш ихтиомассасини ҳисоблаш қуйидаги формула билан аниқланади.

$$Y = \frac{F}{Z} a \cdot N_0 l^3 p^{-Zlp} \left( 1 + \frac{3}{Z \cdot lp} + \frac{6}{(Z \cdot lp)^2} + \frac{6}{(Z \cdot lp)^3} \right),$$

бунда  $F$  – балиқлар билан ишлаш натижасида келиб чиққан ўлимлик коэффициентлари;  
 $Z=M+F$  – умумий ўлим коэффициентлари;  $N_0$  – тўлдириш,  $l_p$  – ов ўлчови,  $a$  – пропорционаллик коэффициентлари.

### 3. Тенгламаларни тақрибий ечиш.

Бир номаълумли ихтиёрий тенгламани қуйидаги  $f(x)=0$ ,  $x \in [a, b]$  кўринишда ёзиш мумкин. Бу тенгламанинг ечими деб, ихтиёрий  $f(x)=0$  бўладиган  $x=x_0$  қийматга айтилади. Ечимларни топиш формулалари синф тенгламалар учун жуда кам, масалан, квадрат, кубик ва баъзи квадратик тенгламалар. Қаралаётган тенгламани ҳар хил тақрибий ечиш усуллари мавжуд.

Масалан, оралиқни тенг иккига бўлиш, ватарлар, Ньютон (уринмалар), оддий итерация ва бошқа усуллар. Тақрибий ечим деганда, олдиндан берилган  $\epsilon$  аниқлик учун шундай  $x_\epsilon = x_k$  ( $k$  – қадамлар сони)га айтиладики, натижаси  $|0x_\epsilon = x_k| \leq \epsilon$  бўлади.

Ечимнинг тақрибий қийматини топиш масаласи икки босқичга бўлинади: 1 – соҳани ажратиш; 2 – ечимни аниқлаштириш.

1 – босқич (ечимларни ажратиш) – бу битта ечимнинг ётадиган оралиқларини топишдир, яъни  $[a, b]$  оралиқни битта ечим ётадиган оралиққа ажратишдир. Буни қуйидагича амалга ошириш мумкин.  $x_0 = a$  бошланғич нуқтани олаемиз ва  $x_i = x_0 + i \cdot h$ ,  $i = 1, 2, \dots$ ;  $h = \frac{b-a}{N}$  қадам,  $x_n = b$  ларни ҳисоблаймиз. Функция қиймати ишорасини ўзгартирадиган ярим соҳалар қидирилади тенг оралиқ бўлади.

2 – босқич (ечимни аниқлаштириш). Функция ишорасини ўзгартирадиган ҳар бир оралиқда ечимни аниқлаштирадиган тақрибий усул қўлланилиб, керакли аниқликдаги ечим топилади.

Оралиқни тенг иккига бўлиш усулига тўхталаямиз. Ечимнинг биринчи тақрибий қиймати сифатида оралиқнинг ўртаси  $x_1 = (a+b)/2$   $[a, x_1]$  ва  $[x_1, b]$  оралиқлардан қайси бири чегараларида функция ишорасини ўзгартириши аниқланади. Агар  $f(a) \cdot f(x_1) < 0$  бўлса, у ҳолда  $[a, x_1]$  оралиқ олинади.  $f(x_1) \cdot f(b) < 0$  бўлганда  $[x_1, b]$  олинади, шу усулда топилган янги оралиқ ҳам иккига бўлинади. Ҳисоблашлар  $|x_n - x_{n+1}| \leq \epsilon$  бўлгунга қадар давом эттирилади, бунда  $\epsilon$  олдиндан олинган етрали кичик сон (аниқлик).

Энди қуйида ишлатиладиган итерация усулига тўхталаямиз.

$f(x)=0$ ,  $x \in [a, b]$  тенглама ушбу усул билан қуйидагича ечилади. Тенглама  $x = \varphi(x)$  кўринишга келтирилади. Бу  $f(x) = x - \varphi(x) = 0$  тенгламага тенг кучли. Буни ҳамма вақт кўрсатиш мумкин, мисол учун,  $x^4 - 4x + 6 = 0$  ни қуйидагича ўзгартириш мумкин.  $x^4 - 4x + 6 + x - x = 0$  бундан  $x = x^4 - 3x + 6$

бошланғич яқинлашиш (такрибий ечим) сифатида ихтиёрий  $x=x_0$  нукта оламиз.  $X_0$  ни келтирилган тенгламанинг ўнг томониغا қўйиб,  $x_1=f(x_0)$  ни топамиз. Кейин,  $x_1$  ни функцияга қўйиб,  $x_2=f(x_1)$  ни топамиз ва х.к. Бу жараён  $|x_n-x_{n+1}| \leq E$  бажарилгунча давом этади.

3.1. – масала.  $CO_2 \rightarrow CO + \frac{1}{2}O_2$  реакцияда  $T^0=3000^0$ ,  $P=1$  атм,  $K_p=0,27$  атм<sup>1/2</sup>

учун  $CO_2$  диссоциация даражаси  $\alpha$  топилсин. Бу ерда  $K_p$  – реакция турғунлик ўзгармаси. У қуйидаги формула билан аниқланади:


$$K_p = \frac{1}{1+\alpha/2} \cdot P \left( \frac{\alpha/2}{1+\alpha/2} \cdot P \right)^{1/2} / \left( \frac{1-\alpha}{1+\alpha/2} \cdot P \right)$$

Бундан,  $P=1$ ,  $K_p=0,27$  да кубик тенглама оламиз.

$$f(\alpha) = \alpha^3 / (1 + \alpha/2)(1 - \alpha/2) - 0,146 = \alpha^3 - 0,146(1 + \alpha/2)(1 - \alpha)^2 = 0$$

Шу тенгламани  $[a, b]$  оралиқда,  $E=10^{-2}$  учун ечиш керак.

#### 1 – БЛОК-СХЕМА



2 – блок-схемага изох:

1 ва 10 блоклар мос равишда алгоритмнинг бошланишини ва тугалланишини билдиради.

2 – блокда берилган,  $A, B, E$  – бошланғич маълумотлар ЭХМ хотирасига киритилади. 4 – блокда  $[A, B]$  оралиқнинг ўртаси топилади. ( $x_1=(A+B)/2$  кўринишда) ва  $Z=f(x_1)$  ҳисобланади. 6 – блокда  $Y_1 \cdot Z < 0$  шарт (яъни  $f(A) \cdot f(x_1) < 0$ ) текширилади, агар у бажарилса (“ҳа” ҳолати), 7 – блокда  $B=x_1$  деб олинади, акс ҳолда (“йўқ” ҳолати),  $A=x_1, f(A)=f(x_1)$  8 – блокда аниқланади. Агар 9 – блокдаги текширилаётган  $|B-A| > \epsilon \cdot S$  бажарилса (“ҳа” ҳолати), 4 – блокка ўтилади. Акс ҳолда (“йўқ” ҳолати)  $\epsilon \cdot S$  аниқликдаги ечим 10 – блок ёрдамида  $Z$  – кўринишда ЭХМдан чиқариш қурилмасига узатилади.

## 2 – ПРОГРАММА

```


10 REM ОРАЛИҚНИ 2-ГА БЎЛИШ МЕТОДИ
20 INPUT A, B, E
30 Y1=A^3 - 0,146 * (1+A/2) * (1-A)^2
40 X1=(A+B)/2
50 Z=X1^3 - 0,146 * (1+X1/2) * (1 - X1)^2
60 IF Y1 * Z < 0 THEN 90
70 A=X1; Y1=Z
80 GOTO 100
90 B=X1
100 IF ABS (B - A) > E THEN 40
110 PRINT "АНИҚ ЕЧИМ Z="; , Z
    "X1="; X1; "НУҚТАДА ТОПИЛАДИ"
120 END

```

3.2 – масала. 3.1 – масала итерациялар усули билан очилсин.

Ечим: Берилган тенгламани қуйидаги кўринишга келтирамиз:

## 3 – БЛОК СХЕМА




## 3 - ПРОГРАММА

```

10 REM ИТЕРАЦИЯ УСУЛИ
20 INPUT X0, E ; N=0
30 X1=X0^3 - 0,146 · (1+X0/2) · (1 - X0) ^ 2

```



```

40 Z=ABS (X1-X0)
50 X0=X1 ; N=N+1
60 IF Z > E THEN 30
70 PRINT "ЕЧИМ X0=" ; , X0
80 END

```

3 - блок-схема изоҳи. 1, 8 – блоклар бошланишини ва тугалланишини кўрсатади. 2 – блокда ЭҲМга  $X_0$  ва  $E$  киритилади. Усулга мувофиқ биринчи яқинлашув  $X_1$  3 – блокда топилади, 4 – блокда эса  $Z=|X_1-X_0|$  ни, яъни биринчи ва нолинчи яқинлашувларнинг мутлақ фарқи ҳисобланади. 5 – блокда ечим жараёнини давом эттириш учун нолинчи яқинлашув  $X_0$  қилиб биринчиси  $X_1$  олинади. 6 – блок ечимларяқинлигини текширади. Агар “ха” ҳолати бўлса,  $X_0$  ечим деб олинади ва ЭҲМдаги натижа қоғозга чиқарилади. Акс ҳолда (у “йўқ” ҳолатида) 3 – блокка узатилади, яъни яқинлашув топилади ва жараён давом эттирилади.

Шу блок-схема асосида программа тузишни ўқувчига машҳуллот сифатида қолдирамиз.

3.3 – масала. Қандайдир системаларнинг молекуляр диогарммасини ҳисоблаш масаласи. Бошланғич орбитачаларнинг энергия даражаси топилсин. Бунинг учун  $n$  – тартибли аср (вековое) тенграмаси тузилади. Масалан: 1,2,3 – гексатриенни оламиз. Углерод атомларини унинг сийма боғланиш занжирида жойлашуви тартибида номерлаб чиқамиз. Бу боғланган системани асрий дитерминантини тузамиз. Маълум

бўлган методикани қўллаган ҳолда 6 – тартибли тенгламани оламитиз:  
 $f(x) = x^6 - 5x^4 - 6x - 1$  Бу тенглама ечимларини оралиқни тенг иккига бўлиш усули билан топинг.

**3.4 – масала.** Ван дер-Вальс тенгламасини  $t=0$  ва  $P=50$  атомда метаннинг моляр ҳажмини ҳисоблаш учун ишлатиш мумкин.

$V = R \cdot T / (P + a/V^2) + b$ , бунда  $a=2,253 \text{ м}^2\text{атом моль}^{-2}$ ,  $b=0,0428 \text{ ммоль}^{-1}$ ,  $T=273$ ,  $R=0,082$ ,  $P=10$ . Итерация усули билан литрларда ўлчанадиган буғнинг бирини моль ҳажми  $V$  топилсин.

**3.5 – масала.** Кучсиз кислоталар учун водород кўрсаткичини ҳисоблаш. Ушбу  $\text{HA} \rightarrow \text{H}^+ + \text{A}^-$



реакцияларда водород ионларининг концентрацияси қуйидаги тенгламадан аниқланади.

$$[\text{HA}]_0 = ([\text{H}^+] - K_w) / K_a + [\text{H}^+] - K_w / [\text{H}^+]$$


бунда  $K_a$  – кислота диссоциацияси ўзгармаса,  $K_a=1,85 \cdot 10^{-5}$   $K_w$  – сувнинг ион кўпайтмаси,  $K_w=10^{-14}$ . Бу тенгламага оғирлик турфунлиги ўзгармаса, кислота концентрацияси ва водород иони концентрацияси киришган.  $X$  орқали қуйидаги тенгламани оламитиз:

$$(x^2 - K_w) / K_a + x - K_w / x - E_w = 0,$$

бунда  $E_w = [\text{HA}]_0$  – кислота концентрацияси (моль/литр),  $E_w=0,1$ .

Бу тенгламани оралиқни тенг иккига бўлиш усули ёрдамида ечинг.

**3.6 – масала.** Буферлик бирлашма рН буғни ҳисоблаш. Ушбу реакцияда  $\text{HA} \rightarrow \text{H}^+ + \text{A}^-$



концентрацияси қуйидаги тенглама орқали аниқланади.

$$[\text{HA}]_0 + [\text{KA}]_0 = ([\text{H}^+] / K_a)(\text{H}^+) + [\text{KA}]_0 - [\text{HCl}]_0 - K_w / [\text{H}^+]$$

ионлар концентрациясини номаълум  $x$  деб белгилаймиз.  $K_s = [\text{KA}]_0$  туз концентрацияси, моль литр,  $K_k = [\text{HCl}]_0$  – киритилаётган кучли кислота концентрацияси, моль литр,  $a$ ,  $K_a$ ,  $K_w$  (3.5 – масаладаги каби). У ҳолда тенгламани қуйидагича ёзилади:

$$(x / K_a + 1)(x + K_s - K_k - K_w / x) - E_w - K_s = 0$$

Бу тенглама оралиқни иккига тенг бўлиш усули билан ечилсин.

3.7 – масала. Итерациялар усули билан қуйидаги тенглама ечилсин, ҳисоблашлар:  $e^x - \cos x = 0$ ,  $x_0 = 0,6$ ;  $N = 7$ ;  $E = 10^{-2}$  учун ўтказилсин.

#### 4. Аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблаш.

Жуда кўп кимёвий ва биологик масалаларда аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблашга тўғри келади. Қуйида, аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун трапециялар формуласи келтирилган:

$$\int_a^b f(x) dx \approx \frac{b-a}{2n} (f(x_0) + 2f(x_1) + \dots + 2f(x_{n-1}) + f(x_n))$$

бунда  $n$  – тугун нуқталар сони, қадам ушбу формула орқали ҳисобланади:  $h = (b-a)/n$  ёки у берилган бўлади.


4.1 – масала. Урчитиш ўсиш тезлиги  $V(t)$  маълум бўлсин, яъни вақт ўтиши билан урчитиш миқдори ўзгаради. Ушбу  $[t_1, t_2]$  вақт оралиғида миқдорнинг қўшимча ўсиши қуйидаги формула билан аниқлансин:


$$N(t_2) = N(t_1) + \int_{t_1}^{t_2} V(t) dt,$$

бунда  $N(t)$ ,  $t$  – моментидаги сони, чунки чегараланмаган ресурслар шароитида жуда кўп урчитишлар учун  $V(t) = a \cdot e^{kt}$ . Масалан, бундай шароитни ривожланаётган ўсимликни вақти-вақти билан янги озуқавий борлиққа ўтказилиб туриладиган микроорганизмлар учун вужудга келтириш мумкин. бу ҳолда  $N(t_2) = N(t_1) + (a/k)(e^{kt_2} - e^{kt_1})$  яъни интеграл аниқ ҳисобланади.  $V(t) = \sqrt{t} e^{-t^2}$  бўлсин. Қуйидаги интеграл  $n = 10$ ,  $a = 1$ ,  $b = 2$ ,  $h = 0,1$  учун трапеция формуласи орқали ҳисоблансин.

Ечиш. Интеграл остидаги ифодани қисм программа шаклида ифодалаймиз. Қисм программанинг оператор функцияси кўриниши программанинг бошида келади, қолган кўринишлари программанинг охирида келади. қисм программага мурожаат унинг номи орқали бўлади.

#### 4 – БЛОК – СХЕМА.





4 – блок – схема изоҳи.

сала ечилишининг бошланиши ва

тугалланишини кўрсатади. 2 – блок  $FNF(A)$  номли бир номаълумли функцияни ҳисоблайдиган қисм программага мурожаат қилади. 3 – блок ёрдамида бошланғич маълумотлар  $A, B, N$  лар киритилади. 4 – блокда  $H=(B-A)/N$  ҳисобланиб,  $FNF(Z)$  номли қисм программани чақирган ҳолда, аввал  $F(A)$  кейин  $F(B)$  ҳисоблаб топилади. 5 – блокда цикл ўзгарувчиси  $I=1$  бошланғич қийматини олади.  $X$  қиймати 6 – блокда ҳисобланади, 7 – блокда эса  $S=S+2 \cdot FNF(X)$  топилади. 8 – блокда цикл параметри қийматига бир қўшилади. 9 – блокда цикл параметрининг қиймати охириги  $I \leq N - 1$  қиймати билан солиштирилади. Агар “ҳа” ҳоли бажарилса, яна 6 – блокка борилади ва формуланинг бир неча марта (аниқроғи  $N - 1$  марта) ишлайди. Шундан кейин (акс ҳолда) 10 – блокка ўтилади ва цикл тугалланади. Бу блокда ҳосил қилинган  $S$   $(b-a)/(2N)$  га кўпайтирилади ва интегралнинг тақрибий қиймати  $S$  топилади. III – блок ёрдамида  $S$  ЭҲМ хотирасидан қоғозга босиб чиқарилади. 4 – блок-схема асосида кўрилаётган масаланинг Бейсик тилида программасини тузамиз.

#### 4 – ПРОГРАММА

```

10 REM ТРАПЕЦИЯЛАР УСУЛИ
20 DEF FNF(Z)=SQR(Z) * EXP(-Z^2)
30 INPUT A, B, N : H=(B-A)/N
40 S=FNF(A)+FNF(B)
50 FOR I=1 TO N-1
60 X= A+I * H
70 S=S+2 * FNF(X)
80 NEXT I
90 S=S * (H/2)
100 PRINT "ТАҚРИБИЙ ЖАВОБ = "; S
110 END

```

4.2 – масала. Ушбу  $(\lambda_1, \lambda_2)$  тўлқин узунликлари оралиғида мутлақ қора жинс чиқараётган электромагнит нурланиши интеграл орқали аниқлансин.


$$S = C \cdot \int_{\lambda_1}^{\lambda_2} 1/(\lambda^5 (e^{h/(\lambda kT)} - 1)) d\lambda$$

Бу ерда  $h$  – Планк доимийси,  $C$  – ёруғлик тезлиги,  $T$  – мутлоқ ҳарорат,  $\lambda$  - тўлқин узунлиги,  $K$  – больцман доимийси. Интеграл  $T=273$ ,  $\lambda=0,1$ ;  $\lambda=0,5$  ҳисоблансин. Бу аниқ интегрални ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\int_a^b f(x) dx \approx \frac{b-a}{6n} (f(a) + 4f(x_1) + 2f(x_2) + \dots + 4f(x_{2n-1}) + f(x_{2n}))$$

Бу формула Симпсон усулидан келиб чиқади.

## 5 – БЛОК – СХЕМА



5 – блок – схема изоҳи. 1 ва 10 блоклар ечиш бошланишини ва тугалланишини билдиради. 3 – блокда  $F$  номли бир номаълумли функция тасвирланади. 2 – блок бошланғич  $L1, L2, N$  маълумотларни  $k, T, C$  миқдорларни ЭҶМ хотирасига киритади. 4 – блокда 3 – блокдаги функция ва  $F(L1), F(L2)$  лар ҳисобланади. 5 – блок циклнинг сарлавҳасидир, унда цикл параметри  $I=1$  дан  $2 \cdot n$  гача  $I$  қадам билан ўзгаради.  $I$  нинг ҳар бир қийматида 6,7 – блоклар ишлаб,  $X, S$  ва  $F(X)$  лар ҳисобланади.  $I=2 \cdot n$  бўлганда цикл тугайди ва 8 – блокка ўтилади. Бу ерда охири  $S$ , яъни интеграл қиймати ҳисобланади.

#### 5 – ПРОГРАММА

```

10 REM СИМПСОН УСУЛИ БИЛАН
20 REM АНИҚ ИНТЕГРАЛНИ ҲИСОБЛАШ
30 DEF FNF(Z)=1/(Z^5 * EXP (10.9E-10/Z * 1.38))-1
40 INPUT L1, L2, N, C
50 H=(L2-L1)/(2 * N)
60 S=FNF(L1)+FNF(L2)
70 K=1
80 FOR I=1 TO 2 * N
90 X=L1+I * H
100 S=S+(3+k) * FNF (X)
110 K=-K
120 NEXT I
130 S=C * S * H / 3
140 PRINT "ТАҚРИБИЙ ЕЧИМ="$ S
150 STOP
160 END

```

4.3 – масала. Умумий урчитиш биомассасининг оғирлиги қуйидаги формула билан аниқланади.

$$M(T) = M(O) + \int_0^T N(t) \cdot P(t) dt,$$

бунда  $N(t)$  – наслий урчитиш сони ёки  $t$  га тенг бўлган,  $P(t)$   $t$  – ёшли наслнинг ўртача оғирлиги,  $M(t)=0$  – 0 дан  $t$  гача бўлган ҳамма наслларнинг биомассаси. Масалани  $T=5$ ,  $N(t)=\sin t^2$ ,  $p(t)=2 \cdot t^2$  учун Симпсон усули бўйича ечинг.

4.4 – масала. Қаттиқ жисмнинг иссиқлик сиғими ушбу тенглама орқали аниқланади.

$$C_V + \frac{9NH}{x_0^3} \int_0^{x_0} x^4 \cdot e^x / (e^x - 1)^2 dx,$$

бу ерда  $x=hv/(kT)$ ,  $x_0=T_0/T$ ,  $T_0$  – Дебаев ҳароратни,  $N$  – Авагадро сони,  $k$  – Больцман доимийси,  $V$  – мутлоқ ҳарорат,  $h$  – Планк доимийси,  $v$  – тебраниш частотаси. Қандайдир элементлар учун  $T_0$  қиймати қуйидагига тенг: Al=398, Na=159. Симпсон усули ёрдамида ҳисоблансин.

4.5 – масала. Берилган ҳароратда  $P$  босим (атом) да ва газнинг учувчанлиги  $f$  (атм) қуйидагича аниқланади:

$$\ln \frac{fp}{p} = \int_0^p \frac{Z-1}{P} dp,$$

бу ерда  $Z$  – қисилиш функцияси жадвал кўринишда берилади. Интеграл трапециялар усули ёрдамида ҳисоблансин.

4.6 – масала. Перколецион филтърнинг содда моделини кўрамиз – суюқликнинг ясси пленкаси ясси бактериал пленка билан мулоқатда. Танланган содда геометрик структурали филтърда концентрацияни бактериал пленкага бўлган масофа ва дозирланиш цикли вақти  $t$  нинг функцияси бўлади, деб ҳисоблаш мумкин. бу концентрацияни  $C(x,t)$  деб белгилаймиз. Суюқлик қатлами тинчланади деб ҳисоблаймиз. Шундай қилиб, органикани суюқ бактериал пленкага ўтказиш молекуляр диффузия ҳисобига вужудга келтирилади, шунинг учун у Фик қонуни ёрдамида тасвирланиши мумкин.

$$\frac{\partial^2 C}{\partial x^2} = \frac{1}{D} \cdot \frac{\partial C}{\partial t},$$

бунда  $D$  – моляр диффузия коэффиценти. Бу параболик тенгламани ечиш учун битта бошланғич шарт: ( $L$  – суюқлик пленкаси қалинлиги), ва иккита чегаравий шарт керак.

$$\frac{\partial C(L,t)}{\partial L} = 0, \quad 0 \leq t \leq T$$

